Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 80 (5671).
5 АПРЕЛЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашлар халқаро байрами — 1 Май Чақириқларини тасдиқлади.

Мажлисда КПСС XXVII съездига тайёргарликни авж олдириш, экономикамиз самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, интизомни мустаҳкамлаш, социализмга ёт ҳодисаларни жамият ҳаётидан йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро меҳнаткашларнинг марказий ва маҳаллий органларга келаётган кўпдан-кўп таклифларини ҳисобга олиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги масалани ҳар томонлама муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети мана шу ҳунук ҳолга барҳам беришни катта снёсий аҳамиятга молик социал вазифа деб билиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш ҳамда уларни жамиятимиз ҳаётидан йўқ қилиб ташлаш соҳасида йирик социал-сиёсий, иқтисодий, маъмурий, медицина тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар комплексини маъқуллади. Ичкиликбозликка қарши кураш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, шу мақсадда давлат ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳамда уларни доимо мувофиқлаштириб бориш, алкоголизмга қарши пропагандани кенг кўламда авж олдириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ичкиликбозликка қарши курашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлар ҳамда СССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шу мақсадда амалга оширадиган тадбирлар системаси маъқулланди.

Сиёсий бюро ўртоқ Г. В. Романовнинг Венгрия Социалистик ишчи партияси XIII съезди ишида КПСС делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахборотини тинглади. Делегациянинг фаолияти ва унинг венгер раҳбарлари билан суҳбатлари якунлари маъқулланди. Венгрияда социализм позицияларини янада мустаҳкамлашга қаратилган съезд қарорлари КПСС билан ВСИП, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга, социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги муштарак курашида уларнинг жипслигини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб комил ишонч билдирилди.

В. И. Воротников ва В. В. Шчербицкий ўртоқларнинг ГФР бундесрати президенти, Баден-Вюртемберг ўлкасининг бош министри Л. Шпэт билан ўтказган суҳбатларининг якунлари кўриб чиқилди. Л. Шпэт СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган эди. Бунда СССР билан ГФР ўртасида тузилган Москва шартномаси асосида иккала томоннинг манфаатларини тегишли даражада ҳисобга олган ҳолда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш учун мамлакатларимизнинг талайгина имкониятлари мавжудлиги қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партиянинг иқтисодий ва социал снёсатини амалга оширишга, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, планета халқларининг ялпи тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Жиззах область партия комитетининг пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети талаблари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, область коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорларини қизғин маъқулламоқдалар, партия Марказий Комитетининг бундан буён ҳам тартиб ўрнатишга, турмушнинг барча соҳаларини жамиятимиз табиатига ёт бўлган ҳодисалардан тозалашга, социалистик қонунчиликни, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини актив қўллаб-қувватламоқдалар. Бу йўл — талабчанликни кучайтиришга, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини оширишга қаратилган йўлдир. Пленум қатнашчилари айтиб ўтишганидек, партия, совет ва хўжалик қурилишининг барча участкаларига снёсий етук, профессионал жиҳатдан билимдон, юксак ахлоқий фазилатларга, обрў-эътиборга эга бўлган, камчиликларга нисбатан принципиал ва муросасиз кишилар бошчилик қилишлари зарур.

Область партия ташкилотининг фаолиятида ҳали кадрлар билан ишлашдаги жиддий нуқсонларга барҳам берилмаганлиги қайд этиб ўтилди. Ножўя иш қилган, партия турмуши нормаларидан чекинишларга йўл қўйган коммунистлар бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинмадилар. Кадрларнинг баъзи қисми уларнинг ишга тайёрлигини синчиклаб текширмасдан туриб шошма-шошарлик билан кўтарилмоқда. Ошна-оғайнигарчилик сарқитларига ҳамон йўл қўйилмоқда, кадрларни шахсий садоқатига, юртдошлигига, таниш-билишчилик ёки қариндош-уруғчилик муносабатларига қараб кўтаришга тегишли баҳо берилмаяпти. Топширилган участкада топшириқларнинг бажарилишини таъминламаётган раҳбарларга нисбатан муросасизлик муносабатлари учраб турибди, кадрлар билан ишлашда расмиятчилик ва бир қолипда ишлаш ҳоллари ҳали оз эмас, хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларига кам кўтарилмоқда.

Пленум қатнашчиларининг нутқларида областдаги бир қанча саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг, агросаноат комплексининг ишларига тааллуқли талайгина жиддий танқидий мулоҳазалар айтилди, бир қанча корхоналар маҳсулот реализация қилиш планларини, шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ўстириш мажбуриятларини бажармаяптилар. Кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш иқтисодий кўрсаткичларга, социал вазиятни яхшилашга таъсир қилиши керак, дейишди пленум қатнашчилари.

Тугалловчи йил ва уч-ман беш йиллик планларини сўзсиз бажаришга, КПСС XXVII съездини ва Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга меҳнаткашларни сафарбар этиш биринчи навбатдаги вазифадир, деб айтишди улар.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Х. А. Шоғазатов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан у область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилинди. Жиззах область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаб келган И. С. Умаров область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев пленумда нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Финляндия республикаси парламенти раиси Э. Пюстюнен бошчилигидаги шу республика парламент делегацияси икки кун давомида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида турибди.

Меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга сафар қилиб, архитектура ва тарихий ёдгорлик ансамбларини, янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Улар Тошкентда Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Финляндия парламенти аъзолари делегацияси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси О. У. Салимов ҳузурида бўлди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми янги серунум универсал сеялкалар ва ғўза культиваторларини яратишга ва кўплаб ишлаб чиқаришни жорий этишга катта ҳисса қўшганлиги, узоқ йил самарали ишлаганлиги ва жамоат турмушида актив қатнашганлиги учун «Чирчиксельмаш» заводининг слесари Абдуқодир **Абдурасулов**, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари Тўра Жўраевич **Нормуҳамедов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»**, пахтачилик машиналари бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюросининг бўлим мудири Юрий Вацлавович **Гроховский**, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг бошлиғи Муҳиддин **Насруллаев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвонлари берди.

«Союзмашхлопководстроя» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ВЕНГРИЯ ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Венгрия миллий байрами— Озодлик кунини кенг нишонламоқдалар. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 4 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу санага бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари қирқ йил муқаддам венгер халқини гитлерчилар фашизмидан озод қилган Совет Армиясининг тарихий жасорати ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР билан ВХР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга кўп йилдан буён салмоқли ҳисса қўшиб келаётганликлари мамнуният билан таъкидланди. Бу алоқалар мамлакатларимиз манфаатларига, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Йиғилиш аҳли венгер халқига социализм қурилишида янгидан янги муваффақиятлар тилади. **(ЎзТАГ).**

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

3 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия туғилган кунининг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Юбилейга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шоиранинг 70 йиллигига бағишланган кеча шу йил сентябрь ойида ўтказилади.

Зулфия юбилейига атаб Тошкентда унинг асарлари тўплами, Москвада танланган асарлари босиб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ

Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг биринчи таъсис съезди очилган кунга 60 йил тўлди. Республика комсомолининг туғилган куннни барча авлодлар — Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўшганлар, дастлабки беш йилликларда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатганлар, севимли она-Ватанимизни фашист газандаларидан озод қилганлар, урушдан кейин халқ хўжалигини тиклашда ғайрат ва матонат кўрсатганлар, зарбдор қурилишларда барчага намуна бўлаётганлар— ҳамма, ҳамма нишонламоқда.

Тошкент комсомоли —Ўзбекистон ЛКСМининг жанговар отрядидир. Улар бутун республикада ёшларнинг коммунистик ташкилотларига намуна бўлиб келдилар. Шу кунларда шаҳримиз комсомол-ёшлари КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларини амалга ошириш ишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

(Газетанинг учинчи саҳифасида комсомол ветеранларимиз шаҳримиз комсомол-ёшларининг ажойиб иш ва режалари ҳақида ҳикоя қилинади).



Бугунги кунда «Ташсельмаш» заводида 1600 нафардан зиёд комсомол аъзоси меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти комсомол-ёшлар бригадаларига бирлашган. Ёш ишчилар коллектив қўлга киритаётган муваффақиятларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти. Улар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилиб, ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти.

Катта авлоднинг меҳнат анъаналарни руҳида тарбияланган ёш машинасозлар ўзларининг оталари ва акаларини ишга тажрибаларини изчил ўрганмоқдалар. Ишончим билан айтиш мумкинки, ёшлар ветеранларининг муносиб ўринбосарлари бўлиб етишишади.

СУРАТДА: корхонанинг Х. Хўжаев бошлиқ энг яхши комсомол-ёшлар бригадаларидан бири.

Т. КАРИМОВ.
Автор фотоси.

РЕВОЛЮЦИОН ШАХДАМ ОДИМЛАР БИЛАН

С. С. МЎМИНОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигини бутун совет халқи учун шонли кунларда — Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва барча меҳнат коллективларида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилаётган пайтда ишонламоқдамиз.

Республика комсомоли бунёдкорлик йўлининг барча босқичларн революция байроғини баланд кўтариб борди. Бугунги кунда биз Ўзбекистон комсомолини ташкил этиш ташаббускорлари, янги ҳаёт тўғрисидаги орзуларини турмушга тадбиқ этишга биринчи бўлиб бел боғлаган кишиларни ғоят мамнуният ва фахр ҳисслари билан эслаймиз. Масалан, меҳнаткаш ёшларнинг Тошкент социалистик союзи ташкилотчиларидан бири Василий Колчин, унинг сафдошлари Гаврилов, Дудин, Кобазев, Раппопорт ва кўплаб бошқа жасур кишиларни ёдга оламиз. Улар 150 кишн эди. Ой сайин комсомоллар сафига ишчи-ёшларнинг илғор қисми вакиллари келиб қўшилдилар. Комсомоллар контрреволюцион иснённи бостиришда, социалистик қурилишда ва ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда қатнашдилар. Улар босмачиларни тор-мор қилдилар ва фронтни озиқ-овқат, қурол-яроғ билан таъминлаб турдилар. Ўзбекистонда маданий революцияни амалга оширишга катта ҳисса қўшдилар. Республика Комсомол ташкилотининг таъсис съездн бундан 60 йил муқаддам комсомолларнинг халқ маорифи ишида, республика иқтисоий-сиёсий ҳаётида актив иштирок этиши аҳамиятини таъкидлаб ўтган эди.

(Давоми 3-бетда).

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ



Кўпгина маҳаллалар, кварталлар, корхоналар ва ташкилотларда ўтказилаётган шанбалик ва якшанбаликларда ҳаммаёқ ораста қилинмоқда, тартибга келтирилмоқда. Ниҳоллар, буталар ўтказилмоқда.

Лекин районда бир қатор микрорайонлар борки, уларда баҳорги икки ойлик нафаси сезилмаяпти. 11-кварталдаги 57 ва 59-уйлар оралиғида иссиқлик тармоғи хандақи қазиб ташланган. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария гигиенаси икки ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Акмал Икромов районида икки ойликнинг бориши муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. У. Ниёзов раислигида ўтган шаҳар комиссияси мажлиси район Советлари ижроия комитетларининг раҳбарларидан довдарахтларни ўтказиш, уй-жой массивларида, маҳаллаларда, кўчаларда ва боғларда намунали тартиб ўрнатиш лозимлигини талаб қилди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов иштирок этди.

(Акмал Икромов районида икки ойликнинг боришига оид материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Акмал Икромов район саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва ўқув муассасалари коллективлари 20 апрелда бўладиган ленинча коммунистик шанбаликка муносиб тайёргарлик кўрдилар. Ўша куни район бўйича 133 минг кишининг умумхалқ меҳнат байрамига ғайрат билан иштирок этиши кутилмоқда.

Саноат корхоналарининг коллективлари 133 минг сўмлик маҳсулот, 185 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлайдилар. Айниқса «Сигнал», миллий музика асбоблари, «Средазгазавтоматика», «Чевар» корхоналарининг меҳнат илғорлари муносиб кўрсаткичларга эришиш ниятида. Бунёдкорлар 157 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилишган. Бундан ташқари 4 минг 900 тонна халқ хўжалик юклари тушириб олинади ва ортилади. Район бўйича меҳнатчиларнинг 34 минг сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига армуғон этилади.

Район территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳам талай ишлар бажарилади. Барча массивлар, хиёбонлар, кўчаларда 10 минг тупдан зиёд ниҳол, бута ва гул кўчатлари ўтказилади. 120 минг метр ариқлар тозаланади.

●

Тўқимачилар маданият саройининг намунали тасвирий санъат студияси Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ёш рассом Марат Ҳақназаровнинг кўргазмасини ташкил этди. У «Ёш партизанлар», «Тинчлик учун курашда», «Шанбалик», «Байрам либосидаги шаҳар», «Чет эллик меҳмонлар Номаълум солдат қабри олдида» ва бошқа қизиқарли картиналарни яратган.

ОБ-ҲАВО

● Бугун арталаб совт 11 да Тошкентда 13 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 8—10, эртага кундуз 14—16 даража иссиқ бўлади.

• Луқма

ГАЗЕТА ВИТРИНАЛАРИ ҚАЁҚҚА ҒОЙИБ БЎЛДИ?

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари Ленин ва Киров районларида, «Правда Востока», Ленин кўчаларида, Октябрь Инқилоби хиёбони ва шаҳарнинг бошқа жойларида ўрнатилган газета витриналарини эслашса керак.

Ана шу витриналар ёнида марказий ва республика газеталарида босилган халқаро ва мамлакатимиз ҳаёти янгиликлари билан танишиш учун шаҳарликлар йиғилишар эди. Севимли газетанинг янги сонини сотиб олишга улгурмаган ёки бу ерга келиб ўқишни одат қилган кишилар матбуотда босилган энг муҳим партия ҳужжатларини ўта қизиқиш билан ўзаро муҳокама этишарди. Зеро, газетхонни қизиқтирган газета сонини ҳамма кутубхоналардан ҳам топиб бўлавермайди.

Фақат шунинг учунгина ҳам шаҳарга газета витриналари керак эмас. У турли ёшдаги ва касбдаги кишиларни қизиқишларига кўра ҳамсуҳбат қилардн.

Кўғирчоқ театрининг эски биноси яқинидаги витриналар ёнида «Пахтакор»нинг футбол чемпионатидаги ютуқлари ва омадсизликлари қанчалик қизғин муҳокама этилган пайтларни кўпчилик эслайди. Бошқа витриналар ёнида ҳам кўп сонли ўқувчилар давраси йиғилади.

Ҳозир эса шаҳарда газета витриналари амалда қолмади. Чунки ободонлаштирувчилар, район партия комитетлари витриналар ўрнатилишига етарлича эътибор бермай қўйишди.

Тошкентлик ободонлаштирувчиларнинг кўпминг сонли коллективи кейинги пайтда республика пойтахтини зебо шаҳарга айлантириш борасида ҳамма ишларни қиляпти. Янги боғлар ва хиёбонлар барпо этиляпти, шаҳарнинг яшил либосини яхшилаш бўйича ишлар оммавий тусда олиб борияпти. Шаҳардаги барча районларнинг ободонлаштирувчилари шаҳар транспорти пассажирларини қувонтирши учун кимнинг автобус ёки троллейбус бекати яхшироқ шнорн остида ўзаро мусобақалашишяпти. Бекатларни кўрсангиз кўз қувонади!

Лекин, нима учундир газета витриналарини эсдан чиқариб қўйишди. Ҳолбуки, бундай витриналарни ташкил этиш масаласи ғоявий характерга ҳам эга. Витриналар қурилиши ва жиҳозланиши тошкентликларга бошқа кишоотлар каби зарурдир. Нима учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштирши Бош бошқармасининг шаҳарни ташқи жиҳозлаш комбинати ходимлари энг яхши газета витринаси учун ижодий конкурс ўтказишларн мумкин эмас! Территорияларида витриналар ўрнатилиши керак бўлган райкомлар ва район ижроия комитетлари ушбу масала ҳал этилишини ўз назоратларн остига олишларн мумкин.

Тошкентдаги йирик корхоналарнинг эшикларн яқинида газета витриналари ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу борада заводлар ва фабрикалар, қурилиш трестларининг партия комитетлари ўз сўзларини айтмоқлари лозим. Ушбу муҳим идеологик масаланинг ҳал этилиши уларнинг ташаббусига боғлиқ.

Газета витриналарн ёнида шу кунининг янгиликларини коллектив равишда муҳокама этишдек эски ва ҳайрли анъананинг қайта тикланиши шаҳарнинг бугунги эҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлувчи яна бир қадам бўлади. Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси ва меҳмонларига арзигулик ва фойдали туҳфа бўлади. Бир сўз билан айтганда, шаҳарликлар газета витриналари яна пайдо бўлишини кутишяпти.

В. ЭНКЕР.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми
Ҳақиқат

● СУНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ ● ИШЧИЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ● МАҲАЛЛА АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК ● ОБУНАЧИ НЕГА РАНЖИДИ?

● Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

Оловли йиллар хотираси

Буюк Ғалаба ҳақидаги хушхабарни ҳар ким ҳар хил вазиятда эшитган. Бу хабар оламга ёйилганида Афзал Сандов билан Ғулом Имомназаров жанг қилган полк Чехословакиянинг Братислава шаҳри яқинидаги ўрмонда турарди. Шунда бирдан қўшин полк турган жойда кучли милтиқ ва автомат отишмаси, одамларнинг шовқини эшитилиб қолди. Буни немис-фашист қўшинларининг навбатдаги ҳужуми бўлса керак, деб ўйлашди. Бутун полк жанговар тайёр ҳолга келтирилди. Отишма бўлаётган томонга алоқачилар юборилди.

Бироқ алоқачилар қайтиб улгурмасиданоқ нима гаплиги маълум бўлди. Полк штаби телефонограмма олди. Унда 1945 йил 8 майда Берлин яқинидаги шаҳарчада гитлерчилар армияси қўмондонлиги сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги актга қўл қўйганлиги айтилганди.

Полк командири жангчиларга саф тортишни буюрди. У муҳим янгиликни қўтариниқи вазнятда маълум қилганида, атрофни «Ура» садолари тутиб кетди. Солдатлар сафларини бузиб, бир-бирларини қучоқлаб, йиғлаб, қўлларидаги қуроллардан осмонга ўқлар узишди. Эртаси куни бутун полкка дам берилди.

Ўша кун ҳамон кечагидек ёдларида. Ҳаво бирам чиройли эдики, нафас олиб тўймасди, киши. Икки ўртоқ ўрмонга тушган кўм-кўк ялангликнинг чеккасига бориб, чамандек гуллаган ёввойи магнолия салқинида қуёш ўз нурини сахийлик билан сочаётган гўзал оламга боқиб, анча вақтгача гурунглашиб ўтиришди. Шу кез улар 1418 кун давом этган, совет халқи бошига бекиёс мусибатлар солган оғир уруш ниҳоят тугаганлигига ҳеч ишонгилари келмасди. Ўшанда эндигина 23— 24 ёшга кирган йигитчалар бўлсалар ҳам, бирдан ўзларини улуғайган кишилардек ҳис қилдилар. Тошкентнинг Анҳори ва шўҳоқар Чирчиқ бўйларида ўтган бегубор, беташвиш болаликлари олис бир ўтмишдек бўлиб туюлди.

Ҳа, уларни тўрт йиллик уруш жуда тез улғайтирганди.

Икки дўст магнолия соясида шуларни ўйлаб ётишаркан, Афзал ака:

— Турғунга нима бўлдийкин, у дом-дараксиз кетди-ку? — деди.

— Дарвоқе, шуни айтинг-а, у билан 1942 йилнинг ёзида Чоржўйдаги пиёда қўшинлар мактабида хайрлашгандик. Шундан кейин хат-хабар бўлмади.

— Рауф-чи, Мавлуд-чи?

— Ғани-чи? Карим-чи?...

Ғулом Имомназаров фронтдан қайтгач, педагоглик касбини давом эткязди — Калинин районидаги 25-ўрта мактабда кўп йиллар директор бўлиб ишлади. Афзал Сандов эса хизматдан қайтгач, Тошкент фармацевтика институтига кириб ўқиди. Фронтда қон тўкиб, партия сафига ўтган йигитни институт коммунистлари ўзларига етакчи қилиб сайлашди. У фармацевтика институтини аъло баҳоларга тамомлагач, умрини халқ соғлиғи йўлида хизмат қилишга бағишлади.

Турғун Ражабов Чоржўйда дўстлари билан хайрлашгач, Дон фронтидаги 129-дивизиянинг 28-полки сафида жангга кирганди. 1942 йилнинг августида у Сталинград яқинида оғир яраланди. Фронтдан қайтгач, аввал колхозда оддий колхозчи бўлиб ишлади. Кейин комсомол ишларига ўтиб, Фарғона область комитетининг секретари даражасига кўтарилди.

1948 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон комсомолининг XVI съезди бўлиб, бунда республика ёшларини Мирзачўлни ўзлаштиришга даъват этувчи мурожаатнома қабул қилинди. Турғун Ражабов шу даъватга жавобан фарғоналик 3 минг комсомолга бош бўлиб Мирзачўлга келди. Анча вақт Сирдарё район комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб, доҳий эътиборн тушган асрий чўлни боғу-бўстонга, халқнинг улуғ ризқхонасига айлантириш ишига ҳисса қўшди. Узининг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, одамларга меҳрибонлиги билан обрў-эътибор қозонди.

Турғун ака Москвадаги олий партия мактабини битиргач, Верхне-Водинский, Чиноз, Бўка районларида кўп йиллар район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. Фидокорона меҳнатлари учун ҳукуматимизнинг кўплаб орден ва медалларн билан тақдирланди.

Рауф Муҳаммадаминов биринчи Украина фронтининг 68-гвардиячи дивизиясида жанг қилиб, Корсун-Шевченко операциясида иштирок этаётганда оғир яраланди. 1944 йилнинг февралида қўлтиқ таёқ билан Тошкентга қайтди. Соғайгач Тошкент темир йўл институтидаги чала қолган ўқишини давом эткязди. Олий маълумотли мутахассис бўлгач, 50-йилларда Тошкент—Арис темир йўли қурилишида бош инженер бўлиб ишлади. Кейин техника фанлари кандидати унвонини олиш учун диссертация ёқлади.

Дўстлардан яна бири — Мавлуд Ғуломовнинг урушдаги тақдири ажойибдир. Улар ота-бола 1942 йилнинг августида олдинма-кейин 13 кун фарқи билан ҳарбий хизматга чақирилдилар. Мавлуд Фарғона шаҳридаги кичик командирлар мактабини битиргач, 3-Украина фронтининг 55-дивизияси 76-полкида жанг қилди. Отаси Ғулом Муҳамедов ҳам шу фронтда бўлди. Ўғил старший лейтенант унвонида, ота тўп наводчиги бўлиб, Спасск-Демянск, Ельна, Смоленск шаҳарлари учун бўлган оғир жангларда қатнашди.

Мавлуд ака 1944 йилда ярадор бўлиб, фронтдан қайтгач ТошМИда ўқиди. Аспирантурани тамомлаб, медицина фанлари кандидати унвонини олиш учун диссертация ёқлади.

Карим Нурмуҳамедов Берлин учун бўлган оғир жангларда қатнашиб, учинчи даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди.

Сафдаги дўстлардан Рихси Қодиров, Ғани Алиев, Зокиржон Рустамов ҳам тўрт йиллик урушда бир йигитга яраша мардлик ва жасорат билан жанг қилдилар.

Қуролдош ва мактабдош дўстлар тўққиз нафар. Улар ҳозир фақат Буюк Ғалаба кунидаги учрашув билан чекланмай, онланинг яхши-ёмон кунларида бир-бирини йўқлашни, ҳол-аҳволидан хабардор бўлишни канда қилмайдилар.

Бу табаррук кишилар ҳаётини шартли равишда яхлит икки даврга: урушгача бўлган ва урушдан кейинги даврга бўлиш мумкин. Бу икки давр — икки катта синов бўлди. Бу сиановларнинг иккисидан ҳам ветеранлар зўр жасорат ва садоқат намуналарини кўрсатиб, муваффақият билан ўтдилар. Уларнинг ҳаёт йўли ҳозирги ёшларимиз учун чинакам намунадир.

К. СОДИҚОВ.

СУРАТЛАРДА: қуролдош дўстлар (чапдан-ўнгга) Афзал Саидов, Ғани Алиев, Турғун Ражабов, Рихси Қодиров, Ғулом Имомназаров, Зокиржон Рустамов, Рауф Муҳаммадаминов, Карим Нурмуҳамедов, Мавлуд Ғуломов.

С. Маҳкамов фотоси.



ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

АВИАСОЗЛАРГА ТУҲФА

Пойтахтнинг Усмон Юсупов ва Хуршид кўчалари кесишган чорраҳада яна бир тўққиз қаватли муҳташам бино қад кўтарди. Бу В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари учун мўлжалланган навбатдаги 221 ўринли замонавий ётоқхонадир..

Объектда иш қизғин. Энг сўнгги пардоз ишлари бажариляпти. Янги ётоқхона қурилишида бош пудратчи 12-трестнинг 65-қурилиш бошқармаси прораби Саид Одиловга дуч келдик.

— Бино лойиҳасини «Ташгипрогор» институтининг О. Спиридонова бошлиқ 7-устахона меъморлари тайёрлаб беришган эди. Мана кўриб турибсиз, қурувчиларимиз бинони худди лойиҳадагидек қуриб битказмоқдалар. Ҳадемай, бу ажойиб ётоқхонани самолётсозларга туҳфа этамиз. Бино қурилиши учун жами 537 минг маблағ ажратилган.

Объектда қурилиш ишлари ўтган йили бошланган эди. Тоҳир Жонибеков бошлиқ бригада уни тиклашда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Электрпайвандчилар Р. Алиев, Ҳ. Пўлатов, ғишт терувчилар М. Ҳасанов, Ҳ. Ғафуров, дурадгор Р. Зокиров, бетончилар З. Иноятов, А. Юнусовлар ҳар бир ишда ҳамкасбларига намуна кўрсатдилар.

Мана хоналардан бирига кирамиз. Кенг, ёруғ, шинам. Улар икки ва уч киши яшашига мўлжалланган. Ҳадемай, хоналар керакли нарсалар билан жиҳозланади. Ҳар томонлама қулай ошхона, душхоналар ҳам ишчилар ихтиёрида бўлади.

— Ётоқхонада сайқал ишларини Пардозлаш трестининг 11-қурилиш бошқармаси пардозловчилари амалга оширишяпти,—дея суҳбатда давом этди прораб. —Ҳозир қаватларда М. Мирсобиров бошлиқ бўёқчилар, М. Назаров етакчилигидаги ойнасозлар, И. Икромов бошчилигидаги дурадгорлар, А. Ваҳобовнинг сувоқчилар бригадалари ишлашяпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
ишчи-мухбир.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

Мислсиз жасорат ҳикояси

9-ўрта ҳунар-техника билим юртида «Қизил чинниғул» клуби аъзолари иштирокида Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алексей Александрович Голубенко ва унинг рафиқаси Валентина Николаевна Мясникова, Ленин номидаги ҳарбий билим юртининг кекса ўқитувчиларидан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Н. Ф. Демин, Ф. П. Романов ва курсантлар иштирок этдилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Голубенко уруш ва унинг даҳшатлари, қуролдош дўстлари, Берлин остоналаридаги жангларда армиямиз мислсиз матонат кўрсатганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Е. Ч. Мясникова эса ўзи «полк қизи» бўлиб, 13 ешида жанг майдонларида ҳамширалик қилганлиги тўғрисида гапирди.

Уруш ветеранларига атаб билим юрти ўқувчилари шеърлар ўқидилар. «Ҳилола» ўзбек халқ рақс ансамбли ва замонавий рақс группаси концерт берди.

М. ҚОСИМОВА,
9-билим юртининг физика ўқитувчиси.

...МАҚТАЙДИ...

Бўрсилдоқ нонлар

— Наргиза, укаларинг тургунча, югуриб чиқиб иккитагина иссиқ нон олиб кел. Чой ичиб кетишсин....

Бундан икки йил муқаддам Октябрь районидаги «Тинчлик» маҳалласида 3-нон заводига қарашли 6-тандир цехи ишга туширилган эди. Маҳалла аҳолиси бу цех хизматидан мамнун бўлишмоқда. Нонлар сифатли қилиб тайёрланади. Бундай новвойхона цехларини шаҳримиздаги йирик маҳаллаларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Р. СОБИРОВ,
Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

Таксофон керак

Бирлик массивида яшаётганлар зарурат туғилиб, «Тез ёрдам» ёки ўт ўчириш машинасини чақиришлари керак бўлиб қолса телефон-автоматларни қидириб, жуда қийналишади. Баъзан уч-тўрт чақирим нарига бориб, телефон қилишга тўғри келади. Чунки массивдаги бор телефонларнинг кўпчилиги ишламайди.

Бирлик массивида уч-тўрт маҳалла жойлашган. Ҳар бирида чойхона, маҳалла идораси бор. Лоақал маҳалла идораси ва чойхона ёнига биттадан телефон ўрнатилса, айни муддао бўлар эди.

С. ИКРОМОВ,
Шароф проезди, 15-уй.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Кўчанинг номи борми?

Шаҳримиздаги баъзи кўчаларга кириб қолсангиз, уй номерлари, кўча номини билдириб турувчи ёзувни қидириб овора бўласиз. Яқинда Октябрь районининг Марказий телеграф биноси орқасида жойлашган Абай кўчаси атрофидаги кўчаларга кириб қолдим. Қайси кўчада юрганимни билиш учун кўча номи ёзилган ёзувни қидириб, топа олмадим.

Бу ҳам майли, Киров район Совети ижроия комитети биноси жойлашган Энгельс кўчасида уй номери йўқ. Ҳозир шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишки ойлиги давом этмоқда. Биз айни шу кунларда бундай майда-чуйда кўринган ишларга катта аҳамият беришимиз керак. Мутасадди ташкилотлар бу шга бош-қош бўлишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Н. ЗУФАРОВ,
меҳнат ветерани.



Ёпиқ эшиклар остонасида

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Редакциянинг шаҳар хўжалиги бўлими (телефони 32-55-39) Сиз, ҳурматли оқшомхонлардан ҳар куни жуда кўплаб мавзуларда хатлар оладн. Бугунги берилаётган хатларда газетхонлар обуначларнн ўз вақтида ололмаётганликларн, уйларидагн телефонлари яхшн ишламаётганлигн, кўчаларнинг ўнқир-чўнқирлигн, чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаётганлиги ҳақида шикоят қилишган. Қуйида ана шу хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Шикоят қилишга мажбур бўлдим. Бизга хизмат кўрсатувчи 57-алоқа бўлимига қатнаш ва улардан обуна бўлган журналларни олиб келишларини талаб қилишдан чарчадим.

Ўтган йили уч маротаба почтальонимиз ўзгарди, аммо бундан обуначилар зарар кўришлари керак эмас. Мана бу йил ҳам ҳалигача «Работница» журналининг биронта сонини олганим йўқ.

У. СОДИҚОВА,
1-Кутузов кўчаси, 71-уйда яшовчи.

●

Йил бошидан бери «Тошкент оқшоми» газетаси ва «Партия турмуши» журналининг биронта сонини олганим йўқ. Бизга хизмат кўрсатувчи 91-алоқа бўлимидагиларнинг бепарволиги оқибатида ана шундай ҳол рўй бермоқда. Обуначиларни нега бундай сарсон қилишади?

М. РАҲМОНОВ,
Юнусобод массиви 8-квартал, 31-уй, 10-квартирада яшовчи.

●

Ҳамза районидаги «Висол» кўчасига кириб қолсангиз кўча бошланишидаги темир-терсак, шиша синиқлари ва жуда кўплаб ҳар хил чиқиндиларни кўриб кайфиятингиз бузилади. Бу чиқиндилар ўз вақтида йўқотилиши зарур.

М. ТЕШАБОЕВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

●

Акмал Икромов районидаги 2-Ҳужум проездида яшовчилар ёзда чангдан, қишда лойдан қутулиша олмади. Сабаби ўтган йилнинг ноябрь ойида электр кабели ётқизиш учун кўчани қазишди. Чуқурчаларни кўмиш, унга асфальт ётқизиш ишлари сифатсиз бажарилди. Ўнқир-чўнқир, лой кўча орқали фарзандларимиз мактабга, боғчага бориб келишга жуда қийналишмоқда.

Ю. ЭШЖОНОВ.

●

РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонлар шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармаси, шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси, «Водоканал» трести ва Киров район ободонлаштириш бошқармаси, шаҳар «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш трести айби билан йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ёзишган. Ушбу ишга мутасаддн ташкилотлар оқшомхонлар хатларида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоратадбирлар кўришлари керак!

«Планета» ателъеси

Тошкент «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси Богдан Хмельницкий кўчасида 85-уйда музика ихлосмандлари учун қулайлик яратиш мақсадида музика асбобларини тузатиб берадиган «Планета» ателъесини очди. Музика ихлосмандлари янги очилган ателье хизматидан мамнун бўлмоқдалар. **Т. ЮСУПОВ.**

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Товуқ шўрва»

Газетанинг 1985 йил 26 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда 2-дон маҳсулотлари комбинатининг ёрдамчи хўжалигидаги хўжасизлик, шунингдек комбинат директори А. Дидашнинг коммунистга номуносиб хатти-ҳаракатлари танқид қилинган эди. Редакция мазкур фельетон бўйнча Ҳамза район партия комитетидан жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

«Товуқ шўрва» фельетони 2-дон маҳсулотлари комбинати коммунистларининг район партия комитети вакили иштирок этган очиқ партия йиғилишида муҳокама этилди. Фельетонда баён этилган фактлар тўла тасдиқланди. Партия йиғилишининг қарорига биноан ёрдамчи хўжалик ишини йўлга қўйишда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги, коммунистга хос камтарлик фазилатини йўқотганлиги учун А. Дидашга виговор эълон қилинди. Шунингдек, давлат маблағининг талон-тарож қилинишига, ёрдамчи хўжалик ишида катта зарар кўрилишига йўл қўйганлиги учун район халқ контроли комитети томонидан унга 250 сўм жарима солинди.

Ёрдамчи хўжалик ишига раҳбарлнкда жиддий нуқсонларга йўл қўйганлиги, у самарасиз бўлиб қолганлиги учун ёрдамчи хўжалик мудири А. Ли лавозимидан четлаштирилди.

Комбинат ёрдамчи хўжалиги ишини 1985 йилда тубдан яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу тадбирларнинг бажарилиши комбинат бошланғич партия ташкилотн назоратига олинди».

Ф. НАЖМИТДИНОВ,
Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари.

«Фактурали «от ўйини»

Газетанинг 1984 йил 17 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда «Союзпечать»нинг Киров район агентлигидаги совет савдоси қонун-қоидаларини бузиш ҳоллари очиб ташланган эди. Шу фельетон бўйича редакция «Союзпечать» республика матбуот тарқатиш бошқармаси бошлиғи Э. Ҳ. Ҳамидов имзоси билан жавоб олди. Газетамизда илгари эълон қилинган жавобга қўшимча бўлган бу жавобда шундай дейилади:

«Фактурали «от ўйини» фельетони эълон қилинганидан сўнг «Союзпечать»нинг Киров район агентлиги омборини ревизия қилишга киришилганди. Яқинда тугаган ревизия натижалари фельетонда баён этилган фактлар тўғрилигини тасдиқлади.

«Союзпечать»нинг Киров район агентлиги бошлиғи Г. А. Столярова, чакана савдо ташкилотчиси А. Чеботарева, «Союзпечать» шаҳар агентлиги ревизори С. Пятковский, киоскачи Н. Қўчқоров вазифаларидан бўшатилди. Ревизия материаллари тергов органларига топширилди.

«Планета» магазини мудири Т. Ҳошимовга виговор эълон қилинди ва у мукофотдан маҳрум этилди. Киров район агентлиги фаолияти «Союзпечать» республика матбуот тарқатиш бошқармаси назоратига олинди».

Э. ҲАМИДОВ,
«Союзпечать» республика матбуот тарқатиш бошқармаси бошлиғи.

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИККИ ОЙЛИГИ ОММАВИЙ ТУС ОЛМОҚДА.

Акмал Икромов районида кейинги ойларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Районнинг корхоналари, ташкилотлари, ўқув юртлари коллективлари ободонлаштириш икки ойлигида ўзларига бириктирилган участкаларни тартибга келтирмоқдалар, орасталик ўрнатмоқдалар.

Лекин Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг ходимлари ўтказган текширув шуни кўрсатмоқдаки, шанбалик ва якшанбаликлар бу районда чинакам оммавий тус олмаётир, кўпгина қазиб ташланган кўчалар ва йўлкалар кўзга ташланади, турар жойлар, мактаблар, корхоналар ва ташкилотларда икки ойлик жуда ҳам сустқашлик билан олиб борилмоқда.

Фарҳод кўчаси районнинг марказий магистралидир. Кўп жойлар қазиб ташланган. Бу транспорт ҳаракатига ҳалал беряпти, пиёдалар кўчаларни кесиб ўтишда қийналишмоқда. Район электр тармоғи (бошлиғи Ҳ. Ҳолдоров) «Донецк» магазини ёнидаги йўлкани қазиб ташлаган. 8—15, Г9А, 13-кварталларда эса электр кабеллар ер юзасида сочилиб ётибди. «Ташгеплокоммунэнерго» ишчилари иссиқлик тармоқларида аваряларни бартараф этганларидан кейин 23, 26-кварталларда йўлкалар, ирригация тармоқларини аслидек тартибга келтиришмаган.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, қурувчилар Акмал Икромов районида ўзларидан нохуш ном қолдирганлар. Ер ости коммуникацияларини ўтказиш, уларнинг ремонти бўйича бошланган ишлар ниҳоясига етказилмай, чала ташлаб кетилган. Натижада одамлар бу кўчалардан лой кечиб ўтишади. Район ижроия комитетида ободонлаштириш қоидаларини бузувчиларга нисбатан муросасозлик қилиниши таажжублидир.

1-уйсозлик комбинатининг 2-бошқармаси, 2-уйсозлик комбинатининг 3-монтаж бошқармаси, «Ташлимводторг» базаси, «Средазавтоматика» бирлашмаси коллективлари икки ойликда жуда ҳам суст қатнашмоқдалар. Бу корхоналар ва ташкилотларнинг территорияси ахлат, темир-терсакка тўлиб кетган, ўтиш йўллари тартибга келтирилмаган, дов-дарахтларга мутлақо агротехника ишлови берилмайди.

Истироҳат кўчасида жойлашган «Ташкентхлеб» бирлашмасининг 5/1 обн нон ёпиш цехи территорияси мутлақо кўримсиз. Ҳовлига ахлат тўлиб кетган. Қозонхона ва ҳовли ремонтга муҳтож, ирригация шахобчалари тозаланмаган. 8/4 сабзавот магазини, Қурувчи кўчасидаги сартарошхона райпишчеторгнинг 28, 29, 31-магазинларида ҳам шундай ҳунук манзарани кўриш мумкин.


Мактабларнинг ўқувчилари икки ойликда қатнашишдан четда қолмоқдалар. Ҳондамир кўчасидаги 124-мактабда ахлат, темир-терсак қалашиб ётганлигини кўриш мумкин. Ҳовли девори бузилган, яшил ниҳолларга меҳрибонлик билан қаралмайди. 14 ва 166-мактаблар олдидаги дарахтлар ва буталар қовжираб ётибди. Чунки бу дов-дарахтларга ариқлардан сув оқиб бормайди.


Ўтказилган ҳар бир ниҳол ва бутани меҳрибонлик билан парвариш қилиш лозимлигини унутмаслик керак. Бунинг учун уни ўз вақтида суғориш, дарахтларнинг тагини юмшатиб туриш лозим.

Акмал Икромов районида икки ойликда жуда катта ишлар олиб боришга тўғри келади. Бунинг учун барча коллективлар ҳашарда ғайрат ва шижоат билан қатнашмоқлари, баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланмоқлари керак.

СУРАТЛАРДА: 1. «Ташкентхлеб» бирлашмасининг 5/1 обн нон ёпиш цехи мана шундай кўринишда; 2. «Ташнжстрой» трестининг 7-қурилиш бошқармаси ишчилари мана бу ҳандақни қазиб кетишган.

С. Ракушев фотолари.





2 Тошкент бет оқшоми

5 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ЛУҚМА

ЧАҚАЛОҚ НИМА ДЕБ ЙИҒЛАЙДИ?

Туяга янтоқ керак бўлса бўйнини чўзади, дейишади. Тўғри гап. Лекин бу гап туяга нисбатан айтилган. Хўш, масалан одамга бир нима керак бўлса-чи! Замонавий қилиб— магазинга чопади дейиш мумкин. Марҳамат, шаҳримизда уларнинг сон-саноғи йўқ. Сабзавот дўконидан тортиб универмагларгача харидорга маҳтал. Бироқ бнз қаламга оладиган нарсани ҳозир шаҳардаги магазинлардан топиш бедаводан игна қидиришдек беҳуда. Уша жуда керакли, лекин камёб нарсанинг номи ёрма, яъни —«Крупиника» деб аталади. Унга талабгорлар эса икки миллионли шаҳримизнинг энг эркатой ва ардоқли кишиларн —бахтнёр чақалоқлар!

«Крупиника» деганимиз, яъни махсус ёрма— чақалоқларнинг жони-дили. Фарзандларимиз уни суйиб тановул қилишади. Лекин ҳамма гап уни қидириб топишда. Ҳозир шаҳарнинг марказий магазинлари, шунингдек, Луначарский шоссеси бўйлаб савлат тўкиб турган ҳамма озиқ-овқат дўконларидаги сотувчилардан ана шу тўйимли порошокни сўрасангиз бир хил жавоб тайёр: «Йўқ. Қачон бўлиши номаълум»...

Ҳафсаласи ўртача оталар унисн бўлмаса бунисн дейишиб, «Малиш» қидиришади. Ҳа, балли, фақат қидиришади. Чунки бу порошок ҳам анқонинг уруғи. Бир пайтлар дабдаба билан тавсия қилинган «Детолакт» порошогининг сифати бирмунча пастлигини эса чақалоқларимиз «фош» қилиб қўйишди. Оғзига олиб борсангиз лабнин чўччайтиришиб, оғзидан чиқарнб ташлашади. Ёқмайди. Лекин болада нима айб, ёқмаганидан кейин емайди-да.

Хўш, унда айб кимда десиз. Айб балки ўзимиздадир. Ахир Тошкентда бўлмаса бошқа шаҳарларда бордир. Бир кун яшдан қолиб самолётга ўтирнб Олмаотага, Ленинградга ёки «яқинроқ» Чукоткага бориб келсак асакамиз кетмас! Лекин шундай қилсак мутасаддн ташкилот — Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасидаги ўртоқлар бизданранжиб қолишмасмикин! Эҳтимол озгина хафсала қилишса, чақалоқларнн мунтазир қилган ушбу ёрманн шу ерда ҳам харид қилиб олиш мумкин бўлар...

Мақсад ЯХШИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ

Ҳамма жойда ташкилотчилик ва тарбия иши шундай йўлга қўйилиши зарурки, ҳар бир коллектив шахснинг ижодий кучларини қулф урдиришга актив таъсир ўтказа оладиган бўлсин. Партия, касаба союз ташкилотларининг, комсомолнинг иши шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

РЕВОЛЮЦИОН ШАХДАМ ОДИМЛАР БИЛАН

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Республика пойтахти комсомолларининг барча шонли ишларини санаб чиқиш қийин, албатта. Улар Улуғ Ватан урушн йилларида зарбдор қурилишларни оталикка олдилар, фронтда ва унинг орқасида мардонавор меҳнат қилиб, Ғалабага ҳисса қўшдилар. Оталари ўрнида дастгоҳларда ишладилар, фидокорлик кўрсатдилар.

Энг яхшн революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарн оталардан фарзандларга, невараларга ўтиб бормоқда. Бугунги кунда юбилей айёмида Тошкент комсомоллари оталар шон-шуҳратига, уларнинг анъаналарига содиқ эканликларини фахр билан айтмоқдалар, буни амалий ишда кўрсатмоқдалар.

Масалан, «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билимн, ташаббуси ва ижоди— ўн бирнчи беш йилликка!» ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этиб, юздан знёд комсомол-ёшлар коллективлари меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини пландан ташқари ярим процент камайтиришга эришдилар. Биз шаҳар комсомол ташкилотларининг энг яхшн тарбияланувчилари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Машкура Қодирова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиси сифатида иккинчи марта халқ депутатлари Октябрь район Советига депутат қилиб сайланди. У коллективнинг энг яхшн вакилларидан бирндир. Бугунги кунда Машкура 1992 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига ишламоқда, нормадаги икки машина ўрнига олти машинага хизмат кўрсатяпти.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасн 26-цехининг А. Мамиров бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ўн бирнчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Бу коллектив Буюк Ғалаба кунигача беш йиллик топшириқни бажариш бўйича социалистик мусобақа ташаббускорларидан бирн бўлган эди.

Шаҳарнинг кўплаб комсомол-ташкилотлари тежамкорлик учун қатъий курашмоқдалар. Бир мингдан знёд комсомол-ёшлар коллективлари, 300 га яқин бошланғич комсомол ташкилотлари тежамкорлик шахсий ҳисобини очдилар.

Комсомолларимиз икки миллион киловатт-соатга яқин электр энергия, 440 минг тонна қора ва рангли металлар, 14 минг тонна шартли ёнилгини тежаб қолдилар

Бугунгитгфоқ ёшлар илмий-техника ижоди кўргизда 18 мингдан знёд кишн қатнашяпти. Ёш новаторлар саноат роботлари, рақамли программа билан бошқариладиган станокларни жорий этишда, ишлаб чиқариш жараёнларини кенг автоматлаштиришда ва механизациялашда қизғин иштирок этмоқдалар.

Шаҳар комсомоллари халқ хўжалигининг энг муҳим объектларн қурилиш ва реконструкциясига оталиқ қилмоқдалар, мотор заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи комсомол зарбдор қурилишларн бўлиб қолди.

Кейинги икки йил мобайнида 7 мингдан знёд Тошкент йигит ва қизлари комсомолларн Бутуниттифоқ ва республика зарбдор қурилишларига бордилар.

Шаҳар қурилиш отрядининг жангчилари Тошкент метрополитенининг янги станцияларн, телеминора қурилишида қатнашдилар. Фақат 1984 йил меҳнат семестридагина шаҳардаги 300 дан знёд халқ хўжалигн объектларн қурилишида студентлар актив иштирок этишди, юздан знёд объект, шу жумладан 5 та мактаб ускуналари монтажга топширилди.

Пойтахтда комсомоллар ташаббуси ва уларнинг куч-ғайрати билан болалар ўйнайдиган чиройли майдончалар— афсонавий «шаҳарча»лар қурилиши бошланди.

Улуғ Ватан урушн ветеранларига, урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларига студент отрядлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар, тарбияси қийин бўлган ўсмирларга оталик қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, ривожланган социализмни такомиллаштириш борасида партиямиз белгилаб берган кўп қиррали ишларни адо этишга актив ҳисса қўшишдан иборат.

Ёш авлодни ғоявий-ахлоқий рухда тарбиялашда, уларнинг ижтимоий активлигини ўстиришда сиёсий ва иқтисодий таълим муҳим омил ҳисобланади. Сиёсий ўқувнинг самараси комсомолларнинг амалий ишларида яққол намоён бўлмоқда. Сиёсий ўқувнинг муҳим вазифаси ёш йигит ва қизлар қалби ва онгига таъсир қилиш, уларни активликка ундашдир. В. П. Чкалов номидагн Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасн, «Узгипросельстрой» институти комсомол ташкилотларининг иш тажрибаларн шунн яққол кўрсатиб турибдики, қаерда ўқув меҳнат билан узвий боғлаб олиб борилса, маркснча-ленинча фанни эгаллашга коммунистик тарбиянинг муҳим воситаси сифатида қаралса, ўша ерда муваффақият қўлга киритилаверади. В. П. Чкалов номидагн Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасн 20-цехининг С. Студнев бошчилик қилаётган комсомол мактабн ишн бунинг ёрқин далилидир. Мактаб тингловчилари ўзларн ишлаётган дастгоҳларнн авайлаб асрайдилар. Бу эса улардан фойдаланнш самарадорлигнни оширяпти. Цехда дастгоҳлардан унумли фойдаланиляпти, кўп станокчилик, бнр неча касбларни эгаллаш ҳаракати тобора кучайяпти. Ҳозир бу ерда ишлаётганларнинг 80 процентн 2—3 касбни эгаллаган.

Бугун, республика комсомолининг шонли юбилейн айёмида эришилган муваффақиятлар билан фахрланамиз, айнн пайтда партиямиз бизднн янада катта ишлар кутаётганлигини ҳам ҳис этамиз. Ёшлар куч-ғайратнни ҳал этилмаган муаммоларга қаратишимиз керак. Комсомол ва ёшлар ўртасида биронта ҳам қолоқ бўлмасин, ҳамманинг ўз нормасини ошириб бажаришига эришишимиз керак.

Ўзбекистон пойтахти йигит ва қизларининг бугун КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берган вазифаларни изчил амалга ошириш, ривожланган социализмни такомиллаштириш борасида партиямиз белгилаб берган кўп қиррали ишларни адо этишга актив ҳисса қўшишдан иборат.

Унинг завод ва фабрикаларда, қурилиш майдонлари ва мактабларда тез-тез учратиш мумкин. Ёшлар билан учрашувларда ўз бошидан кечирган, унутилмас ва қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Унинг хотиралари сермазмун ва бир-биридан қизиқарлидир. Айниқса, республика комсомолининг шонли 60 йиллиги арафаларида бундай учрашувлар кўплаб ташкил этилди.

Уларда Қаюм Қосимов КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларини беқами-кўст амалга ошириш борасида ёшлар олдида турган конкрет вазифаларга тўхталиб, бу вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун ёшларнинг ғайрат-шижоати нақадар зарурлигини уқтириб ўтади. Комсомол ветерани-нинг сўзлари ёшлар қалби ва онгига таъсир кўрсатишни бир неча бор кузатганмиз. Учрашувларда суҳбатни жонли ўтказади, ўз бошидан кечирган воқеаларни мамлакатимиз, республикамиз ҳаётига доир муҳим воқеалар билан узвий боғлаб ҳикоя қиладики, бу ёшларда ҳамиша катта қизиқиш уйғотади.

Акмал Икромов район комсомол ветеранлари Советининг раиси, комсомоллар ва пионерлар ҳаракатининг ветерани шу кунларда ёшлардек ғайрат билан иш олиб бормоқда.

Унинг пропагандистик фаолияти ҳақида ҳар қанча нлиқ сўзлар айтсак арзийди. Лоақал, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўзбекистон комсомоли» агитпоездининг областларга сафари чоғидаги унинг иштирокини эслаш кифоя. Сирдарё ва бошқа областлар



Ветеранлар ҳақида ҳикоялар

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ

далаларида миришкорлар ўртасида партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини пропаганда қилиш ишига у ўз муносиб ҳиссасини қўшди.

Қаюм аканинг эзгу ишлари кўп. Уни фақат республикамиздагина эмас, балки мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги комсомоллар ҳам тез-тез йўқлаб туришади.

...Оренбургдаги 34-ўрта мактабнинг «Изланиш» комсомол отрядн номидан хат олди. Комсомол ветерани ёшларнинг илтимосини ерда қолдирмади. Оренбург шаҳрига отланди. Ахир, комсомол тарихининг жонли гувоҳи бўлган Қаюм ака сингари ветеранларнинг ҳар бир сўзи ёшлар учун ибратли-да. «Изланиш» отрядининг аъзолари Қаюм Қосимовни ғолибўлиб, умумий ишга қўшаётган улкан ҳиссаси ҳақида мароқ билан сўз юритади. У Акмал Икромов район комсомол комитети ўтказаётган барча тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда олиб борган фаолияти учун район комсомол комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ўтган йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди ишида актив қатнашгани учун қўриқдаги районлар комсомол комитетларининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

Унинг эзгу ишларидан яна бири ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Тошкент шаҳрида пионер ташкилоти ва комсомол тарихи музейи учун кўплаб материаллар тўплаш керак эди. Музейни тузиш бўйича ташкилий комитет составида у жонбозлик билан иш олиб борди.

Бугун Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг биринчи таъсис съезди очилган кунга 60 йил тўлган қутлуғ айёмда комсомол ветерани Қаюм Қосимовнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлига бир назар ташладик. Ёшларни тарбиялашда, уларни янги вазифаларни бажаришга сафарбар этишда Қаюм ака сингари мураббий отахонларнинг мароқли ва мазмунли ҳикоялари, тажриба ва ўгитлари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳ. АБРОРОВ.



«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 16-цехи пешқадам йиғувчи-слесарлари (чапдан-ўнгга) А. Сукминов, А. Эргашев, С. Одилов, В. Лявикин, М. Мирзаахмедовлар республика комсомоли юбилейини зарбдор зарбдор меҳнат билан нишонламоқдалар. Смена топшириқларини муntазам 140 процентдан адо этмоқдалар.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида партия ва комсомол ветеранларининг ёш ишлаб чиқариш илғорлари, аълочи ўқувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. У Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига бағишланди.

Учрашув қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойнга гулдасталар қўйишди. Зотан, Коммунистик Ёшлар союзи доҳий номи билан аталади.

Учрашувни Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари В. Мишин очди. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали бўлими мудири К. Ризаева «Ленин ва ёшлар» мавзуида доклад қилди.

Тўпланганлар партия ва комсомол ветеранлари К. Ерзин ва О. Абзаловларнинг сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Учрашувда ишчилар синфининг энг яхшн вакилларига — муносиб ўринбосарлар тайёрлаган кишиларга ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлар мураббийси» нишонлари топширилди. Ёш ишчилар ва аълочи ўқувчилар Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Партия ва комсомол ветеранларининг ёш ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашуви қатнашчилари республиканинг барча йигит ва қизларига мурожаат қабул қилдилар. Унда ёшлар беш йилликнинг якунловчи йилини янги меҳнат ютуқлари, ўқишда муваффақиятлар, ижтимоий ҳаётда актив иштирок этиш билан нишонлашга, Коммунистик партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга даъват этилди.

М. ЮНУСОВ.

Зарбдор комсомол қурилишларида:

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

Зулфизар Нишонбоева комбинат 2-йигирув-тўқув фабрикасининг 2-йигирув цехига комсомол йўлланмаси билан келган. У комбинатга тўқимачилар кераклигини яхши биларди. Шу сабабли кундузи ишлаб, кечқурун педагогика институтида ўқишга аҳд қилди.

У ўқувчилик йилларида тўқимачилик касби ҳақида жуда кам биларди, «Ерқин йўл» кинофильмидаги каби сершовқин цехни ва улкан қоратмтир дастгоҳларни тасаввур этарди. Ҳолбуки, цех— ёруғ ва шинам бўлиб, янги жиҳозлар шовқинсиз ишлар экан.

— Лекин, менга ҳамма дан ҳам коллектив ёқди, — дея таассуротларини ўртоқлашади у. — Цехимизга ҳамма комсомол йўлланмаси билан келган. Комбинатни ёшларнинг зарбдор қурилиши деб аташган экан, демак бу сўзни амалда исботлаш даркор.

Цехда қолоқлар, нормани бажармаётганлар йўқ. Бу ерда янги келган ҳар бир ишчига ғамхўрлик қилишади, иш усулларини, илғор тажрибани тезроқ ўзлаштириб олишига ёрдам беришади.

Зулфизар билим юртини битиргандан кейин ўзи ишлаши керак бўлган ўн олтита дастгоҳни кўриб, бир оз ҳайиққан эди. Ҳозир эса 24 та дастгоҳда ишлаяпти.

— Цехда, ёнгинангда донгдор тўқувчи, СССР Олий Советининг депутати Каромат Екуббоеванинг 42 дастгоҳи планга қўшимча газламалар ишлаб чиқараётган пайтда ёмон ишлаш мумкинмн, — дейди у. Комсоллар цехда ўзларини катта ва аҳил онладагидек ҳис этадилар. Бу ерда ҳар бир кишини туғилган кун билан табриклашни унутишмайди. Тоғ сайрига, кино ва театрларга биргаликда боришади. Ҳар бир киши биладики, бирор қийинчилик туғилса ўртоқлари ёрдамга келишади.

— Ўтган йили мени группа комсорги этиб сайлашди, — дейди З. Нишонбоева. — Мен кўп нарсани билмасдим, йигилишлар ўтказиш, планлар тузиш, мусобақани, дам олиш вақтини ташкил этиш керак эди. Лекин, комсомол комитетидагилар, цехдагилар ёрдам беришди, эндликда комсомол ишларини ҳам уддалаяпман.

Ҳозир цехдаги барча сменалар — зарбдор. Коллектив Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида ярим йиллик планни бажариш мажбуриятини олган. Мажбурият катта, лекин комбинатдагиларнинг ишончи комил, бу ердаги кўп станокчи тўқимачилар панд беришмайди.

Зулфизар биринчн меҳнат коллективининг келгуси ҳаётидаги, иш фаолиятидаги аҳамияти ҳақида шундай дейди:

— Мен тарбиячи бўлганимда ўқувчиларимга «меҳнатга яраша шараф» деган сўзларнинг маъносини конкрет мисоллар асосида тушунтириб бера оламан. Бу мисоллар — цехимиз ҳаётидан олинади.

Цехда чинакамига меҳнат қувончини ҳис этиш мумкин. Дастгоҳларда ёш ишчилар қўли билан тўқилган ранг-баранг газламалар чиқаётганини кўриш нақадар қувончли.

Н. МИНЬКОВА.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ

Заводда 40 та комсомол-ёшлар бригадаси ишлаяпти. Улар ўртасида «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билимн, ташаббуси ва ижодкорлигни XI беш йилликкa» мусобақаси кенг қулоч ёзган.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича ташаббусни 10-цех пайвандчиси И. Фофуров, 3-механика-йигув цехи токари В. Перминов, 4-темирчилик-тайёрлов цехи машиналовчиси Ч. Абдуллаевлар бошлаб беришди.

Комсомол-ёшлар бригадаларининг салкам 40 процентн ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оталикка олган. «Комсомол прожектория» ҳар ҳафтада «Сифат — диққат марказида» рейдини ўтказади. Ҳозирги пайтда аъло сифат билан чиқарилаётган маҳсулот ҳажми эллик процентга етди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида реконструкциялаш, биноларнинг техник ҳолатини яхшилаш, завод территориясини ободонлаштириш бўйича 32 та йирик шанбалик уюштирилди.

Заводда ҳар кварталда «Энг яхшн ёш ишчи» номини олиш учун ёшлар ўртасида касб маҳорати конкурслари ўтказиляпти.

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигн шарафига 1.200 комсомол аъзоси беш йиллик топшириқни бажариш бўйича оширилган социалистик мажбуриятлар олди, 85 комсомол аъзоси 1986 йил ҳисобига ишлаяпти. Х. Хўжаев, А. Герасимов, О. Карпова, А. Икромов бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадалари Ғалабанинг 40 йиллигига шахсий ярим йиллик топшириқларни бажариш мажбуриятини олишди.

Техника ижодиётида 284 киши иштирок этяпти, 400 дан знёд ёш ишчи ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг аъзоларн ҳисобланишади. Ўтган йили рационализаторлик таклифлари жорий этилиши туфайли 18 минг сўмдан знёд тежамкорликка эришилди.

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Комсомол ташкилотининг босиб ўтган йўлига назар ташлаганимизда шу нарса яққол кўзга ташланадики, заводимиз комсомолларн республика комсомоли билан бир сафда туриб фаол иш олиб борганлар. Бизнинг комсомол ташкилотимиз 1926 йили ташкил этилган эди. Ўша пайтда унинг сафларида бор-йўғи тўққиз кишн бор эди. Кўпгина жанговар анъаналарга ўша пайтдаёқ асос солинган эди.

1930 йилда дастлабки комсомол-ёшлар бригадаларидан бири ташкил этилди, бу комсомол-ёшлар коллективи зарбдорона иш олиб борди, барчага намуна бўлди.

Комсомол аъзоси Борис Тихомолов «Ёшлар —самолётни ўрганинглар!» комсомол даъватига жавобан 1932 йилда учувчилар мактабига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгандан сўнг республикага қайтиб келди. Мамлакатимизга фашистлар Германияси хиёнаткорона ҳужум қилган пайтларда у фронтга отланди. Берлинга қарши жангларда ўз самолётн билан жанговарлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Ҳозир корхонамизнинг собиқ ишчиси Борис Тихомолов СССР Ёзувчилар союзининг аъзосидир.

1938 йилда Ўзбекистон Компартиясининг даъвати билан завод комсомоллари Ўрта Чирчиқ районида Тошкент канали қурилишида актив қатнашдилар. Улуғ Ватан урушн йилларида эса фронт орқасида мардонавор меҳнат қилдилар. Альберт Багдасаров, Евгений Аништенко, Анатолий Гузевлар бошчилик қилган комсомол-ёшлар бригадалари граждан ҳаво флоти бўйнча комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида социалистик мусобақага қўшилиб, нормаларни 5—7 ҳисса ошириб бажаришди. Бир неча бор мамлакат бўйнча совринли ўринларни қўлга киритдилар. Комсомол-ёшларнинг уруш йилларида, урушдан кейинги даврларидаги кўрсатган жасоратлари ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Бугунги кунда заводимизда 700 дан знёд ёш ишчи-хизматчилар «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига 40 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Тўққиз комсомол-ёшлар коллективи эса XII жаҳон ёшлари ва студентларининг фестивалига бағишланган вахтада турнб зарбдорона меҳнат қилмоқда.

5-цех комсомоллари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, урушгача шу цехда ишлаган Виктор Малясовни коллективга аъзо қилиб олдилар. Унинг иш ҳақини эса Москва шаҳрида бунёд этилаётган Ғалаба мемориали қурилиши фондига ўтказмоқдалар.

Ёш авиамонтчилар ҳалол ва фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз ақалари анъаналарига содиқ қолиб, бугунги кунда бу анъаналарни муносиб давом эттирмоқдалар.

И. ИГНАТЕНКО,
граждан авиацияси заводи комсомол комитетининг секретари.

Комсомоллар оталиғида

Мана, бешинчи йилдирки, Собир Раҳимов районининг Қорақамиш массивида район комсомол комитети бошчилигида ўсмирларнинг «Аланга» клуби ишлаб турибди. Клубда тўққизта тўгарак ва спорт секциялари мавжуд. Уларда 200 га яқин ўсмирлар шуғулланишяпти. Клубда бутун райондан ўқувчилар қатнашмоқдалар.

Е. Леонтьева бошчилик қилаётган қўғирчоқ театри машғулотлари қизиқарли ўтяпти. Бу тўгарак қатнашчилари 458-болалар боғчасининг мехмони бўлишди. Улар район «Санъат байрами» кўриги ва фестивалларининг ғолиблари бўлдилар.

Музика студиясининг йигит ва қизлари ҳам кўпгина ишлар қилмоқда. Улар концерт, фестиваль, конкурсларда актив иштирок этмоқдалар.

Шахмат ветерани Х. Набирахўжаев эса шахмат мактаби ишига бошчилик қиляпти. Бу ерда ўсмирлар кўп. Улар тўрт группага ажратилган. Машғулотлар группалар бўйича олиб борилмоқда. Бошловчилар, разрядлилар, мастерлар машғулотлари қизиқарли ўтяпти.

Ташкилотчи-педаг о г Н. Бутусова ва 50-турар жой-эксплуатация участкаси ўсмирлари ташаббуси билан ташкил этилган «Жасорат» клуби иши ҳам жуда ранг-барангдир. Бу ерда болалар темурчилар ишини давом эттириб, турар жойларда «Юлдузлар сўнмайди» операциясини ўтказишда актив иштирок этмоқдалар. Ёш темурчилар фахрли ўринни эгаллашди. Ҳозир район «Жанговар шон-шуҳрат» музейи учун материаллар тўплашяпти.

Турар жойлар бўйича 39-турар жой-эксплуатация участкасининг «Саломатлик шаҳарчаси»да район спартакиадасини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бунда спорт мавсумига якун ясалади. У катта спорт байрамига айланиб бормоқда.

«Аланга» клуби базасида ташкилотчи-педагоглар ва спорт инструкторлари ташаббуси билан турар жойлардаги болалар ва ўсмирлар билан иш олиб бориш район методик маркази тузилди. У турар жойлар бўйича оммавий район тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш ўчоғи ҳисобланади. Методик совет составида район комсомол комитетининг, район спорт комитетининг, пионерлар уйи, мактаблар, турар жой эксплуатация участкаларининг вакиллари бор.

Ўтказилаётган барча тадбирларда отаолиқ комсомол ташкилотлари активлик кўрсатишяпти. Масалан, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш заводи комсомоллари оталиқ қилиб, «Энг аҳил онла» совринини таъсис этди, шунингдек, фестивал-лар, мусобақалар ўтказишда ҳам актив қатнашмоқдалар.

В. ЖИРКОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Собир Раҳимов район комитетининг секретари.

АРМИЯДАН КЕЙИН — ҚАДРДОН ЦЕХГА

ШУНДАЙ ЙИГИТ БОР

Андрей Резяпкиннинг биографиясн ҳам юзлаб тенгдошларнникн сингари бошланган. Мактаб, ҳунар-техника билим юрти, завод ва ниҳоят Совет Армиясн сафидаги хизмат.

Армиядаги хизматдан кейин Андрей «Ташсельмаш» заводи 11-цехининг кенг истеъмол буюмлари участкасига қайтиб келди. Бу ерда, 18-цехда унинг онаси Людмила Васильевна Савинская чархловчи бўлиб ишлайди. Бу участка коллективи унга қадрдон бўлиб қолган — шу ердагилар унн хизматга кузатишган, унинг қайтишини кутишган. Ҳа, ҳаёт шундай давом этяпти.

Ҳарбий хизматдан қайтганидан кейин уч ой ўтгач, Андрейнн ҳарбий комиссариатга яна чақиришди. Ҳарбий комиссар унинг қўлини сиқиб, хизматн учун ташаккур билдирдн ва Совет ҳукуматн номидан Андрей Борисович Резяпкинга Қизил Юлдуз орденини топширдн. Қўмондонликнинг топшириқларини виждонан бажарганлиги, Апрель революцияси ғалабаларнн мустаҳкамлаш учун кураш олиб борайётган Афғонистон Демократик республикасида интернационал бурчини бажаришда бу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Цехда тантаналн йиғилиш ўтказилди. «Ташсельмаш»чилар, 195-ўрта мактаб ва 95-ҳунар-техника билим юртн коллективлари синфдошн, ҳамкурсн, ҳамкасбн билан фахрланишади. Яқинда А. Резяпкиннн КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди. Фақат орденгина эмас, балки унинг бугунги кундаги шарафли меҳнати, актив ҳаётий позицияси энг яхшн тавсиянома бўлади.

М КУНЕЙ.

ТАРИХ СОЛНОМАСИ

● 1918 йилнинг август ойида почтамт хизматчилари Колчин, Гаврилов ва ҳарбий мактаб курсанти Дудин ташаббуси билан ташкил этилган революцион Тошкент меҳнаткаш ёшларининг Социалистик Союзи Туркистон ёшларини бирлаштириш ташаббускори бўлди. Унинг сафига 20 кишн кирди.

● 1918 йил 30 ноябрда К. Маркс номидаги Ишчилар уйида Туркистон республикаси РКП(б) Марказий Комитети аъзоси М. С. Качуринер иштирокида ташкилий йиғилиш бўлди. Бу йиғилиш Тошкент меҳнаткаш ёшлари Социалистик Союзи Программаси ва Уставини тасдиқлади ва Союз правлениесини сайлади.

● 1919 йил февраль ойида Союз сафларида 150 яқин кишн бор эди. Тошкент бутун Туркистон ёшларининг коммунистик ташкилотлари маркази бўлиб қолди. 1919 йил майида Тошкентда 30 та комсомол ташкилоти бор эди.

● 1920 йил 21 январь куни Тошкентда Луначарский номидаги уй (ҳозирги округ Офицерлар уйи) залида Туркистон комсомолининг биринчи съезди бўлди.

● 1925 йил 5—8 апрель кунлари Самарқандда Ўзбекистон Ленин комсомолининг биринчи Таъсис съезди бўлди. Унда 30 минг кишилик комсомол ташкилотлари номидан республиканинг турли бурчакларидан 249 делегат қатнашди.

ФЕСТИВАЛЬ ШАРАФИГА

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

2-автокомбинат такси ҳайдовчиларидан бешта комсомол-ёшлар бригадаси XII жаҳон ёшлари ва студентларининг Москвада очиладиган фестивали шарафига ўн биринчи беш йиллик топширигини бажаришга аҳд қилишди.

Автокомбинат комсомол комитетининг секретари А. Икромов шундай деди:

— Сергей Белов ва Александр Клевтов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари ҳозирдаёқ 1986 йил ҳисобига ишламоқдалар. Бошқа комсомол-ёшлар коллективлари ҳам беш йиллигининг сўнгги кунлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ ОҚШОМИ

48 чемпионат СССР

1985

«Пахтакор» мавсумни бошламоқда

Эртага футбол бўйича мамлакат 48-чемпионатининг биринчи лига коллективлари янги мавсумни бошлашади. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси биринчи учрашувни ўз майдонида Куйбишев шаҳрининг «Крилья Советов» коллективи билан ўтказади. Янги мавсум бошланишн арафасида мухбиримиз команда устози, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Иштван Йожефович Секеч билан учрашиб, ундан командаининг мавсумга қандай тайёргарлик кўрганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Бу йилги мавсумга тайёргарликни анча эрта бошладик. Ҳар бир звено ўйинини синовдан ўтказдик. Ҳужум уюштиришнинг турли усулларини, тўп узатиш техникасини такомиллаштирдик. Маҳоратни оширишимизга бошқа коллективлар билан ўтказган ўртоқлик учрашувлари ёрдам берди. Жумладан Сочи, Душанба шаҳарларида ўтказилган турнирларда иштирок этдик. Усмон Юсупов хотира совриниі учун ўтказилган турнирда имкониятларимизни яна бир марта синаб кўрдик.

Асосий мақсадимиз бу йилги мавсумда команда шарафини ҳимоя қиладиган асосий ўйинчиларни аниқлаб олиш эди. Тўғри, пахтакорчилар бу турнирларда яхши ўйин кўрсата олишмади. Лекин олдимизга қўйган вазифани бажардик, ўйин услубимизни шакллантиришга эришдик.

Кейинги учрашувларда тактик тайёргарликка алоҳида аҳамият бердик. Ҳимоядан тезкорлик билан ҳужумга ўтиш, аксинча, ҳужумдан ҳимояга ўтишни такомиллаштирдик. Худди шу усул замонавий футболнинг етакчи услуби ҳисобланади. Умуман олганда бу йилги мавсумда ҳужумкор ўйин кўрсатиш ниятидамиз. Бу борада ҳал қилинмаган муаммолар ҳам бор. Уларни ўйинлар давомида бартараф этиб борамиз.

Команда дарвозасини аввалги йилларгадигек Александр Яновский ҳимоя қилади. «Соҳибкор» командасидан қабул қилинган Виктор Цирин унга ўринбосарлик қилади. Бу ёш дарвозабон эпчил ва чаққон. Маҳоратини такомиллаштириб борса келажакда шуҳрат қозониши мумкин. Умуман команда составида жиддий ўзгаришлар бўлгани йўқ. Командага Фарғонанинг «Нефтяник» коллективидан Виктор Макаров, Самарқанднинг «Динамо» командасидан Фарҳод Муҳамедов қабул қилинди. Улар ҳимояда ўйнашади. Тошкентдаги спорт-интернат мактабининг битирувчилари Андрей Микилёв ва Андрей Пятницкийлар ҳам коллективга қабул қилинди. Уларни мамлакатимиз ўсмирлар терма командасида иштирок этганлиги қувончлидир. К. Новиков ва В. Жилкин командадан кетди.

Бу йилги мавсумда «Пахтакор» составидан майдонга чиқадиган ўйинчилар билан танишинг: А. Яновский, А. Заикин, В. Кисера, Г. Денисов, И. Аҳмедов, Ф. Магометов, И. Иванов, В. Постнов, В. Макаров, С. Бондаренко, Т. Ёқубов, Э. Гесс, Р. Бикулов, А. Зейтуллаев, М. Кабаев, И. Шкварин, А. Волков С. Салимжонов.

Яшириб ўтирмайман, бу йилги мавсум «Пахтакор» учун ниҳоятда қийин бўлади. Мақсадимиз олий лигага қайтиш ва кучлилар даврасида мустаҳкамланиб қолиш. Хуллас, коллектив мавсумни яхши ният билан бошламоқда. Биз чиройли ўйин ва ёркин ғалабалар билан мухлисларимизни хушнуд этиш ниятидамиз.





СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» командасининг капитани Геннадий Денисов ҳимоячи бўлишига қарамасдан тез-тез ҳужумчиларга ёрдам бериб туради; дарвоза олдида хавфли вазият.

Р. Загратдинов фотолари.

• «Пахтакор»нинг рақиблари

«Крилья Советов» (Куйбишев)

Куйбишев шаҳрининг «Крилья Советов» командаси 1943 йилда ташкил этилган. 1946 йилда у олий лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган. Кучлилар даврасида 1955 йилга қадар баҳс олиб борган. 1951 йили мамлакат биринчилигини тўртинчи ўринда якунлаган. Бу клубнинг энг катта муваффақияти бўлиб қолган. Шундан буён волгалик футболчилар биринчи ва иккинчи лигада баҳс юритишмоқда.

«Крилья Советов» командаси маҳоратли спортчилар тайёрлаш борасида ўз анъанасига эга. Турли даврларда мамлакат терма командаси шарафини ҳимоя қилган К. Крижевский, А. Гулевский, В. Ворошилов, Г. Хусаинов, В. Казаков, Н. Осянин, А. Федоров, В. Сахаров шу клубда футбол сирларини ўрганишни бошлаган.

Ўтган йили волгалик футболчилар иккинчи лигада баҳс юритиб, ўз зоналарида ғолиб чиқишди. Финал турнирини ҳам муваффақиятли ўтказиб, биринчи лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

«Пахтакор» ва «Крилья Советов» командалари шу йилга қадар ўзаро майдонда 24 марта беллашган. Тўққиз учрашув пахтакорчилар ва беш учрашув волгаликлар фойдасига ҳал бўлган, ўн учрашувда очколар баҳам кўрилган. Дарвозани нишонга олишда тошкентликларнинг устунликлари бор — 29:24. Командалар охирги марта олий лига доирасида 1979 йилда майдонда куч синашганлар. Тошкентдаги учрашувда 3:2, Куйбишевдаги учрашувда эса 1:1 ҳисоби қайд этилган.

ШАРҚИЙ ЗОНАДА ҚАТНАШАЁТГАН КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ БИРИНЧИ ДАВРА УЧРАШУВЛАРИ КАЛЕНДАРИ

6 апрель. МАСК — «Шинник» (Ярославль), «Искра» (Смоленск) — «Локомотив» (Москва), «Звезда» (Жиззах) — «Ротор» (Волгоград), **«Пахтакор» (Тошкент)— «Крилья Советов» (Куйбишев)**, «Помир» (Душанба) — «Кузбасс» (Кемерово).

9 апрель. МАСК — «Локомотив», «Искра»— «Шинник», «Звезда» — «Крилья Советов», **«Пахтакор» — «Ротор».**

10 апрель. АСК (Хабаровск) — «Помир».

14 апрель. «Ротор» — «Помир».

16 апрель. «Кузбасс» — МАСК, АСК (Хабаровск) — «Искра», «Шинник» — «Звезда», **«Локомотив» — «Пахтакор».**

19 апрель. «Кузбасс» — «Искра», АСК (Хабаровск) — МАСК, **«Шинник» — «Пахтакор»**, «Локомотив» — «Звезда», «Помир» —«Крилья Советов».

26 апрель. «Звезда»— «Кузбасс», **«Пахтакор»— АСК (Хабаровск)**, «Ротор» — «Шинник», «Крилья Советов» — «Локомотив», «Помир» — МАСК.

29 апрель. «Звезда» — АСК (Хабаровск), «Пахтакор» — «Кузбасс», «Ротор» — «Локомотив», «Крилья Советов» — «Шинник».

30 апрель. «Искра» — «Помир».

3 май. МАСК — «Звезда», **«Искра» — «Пахтакор».**

4 май. «Шинник». — «Помир».

6 май. «Кузбасс» — «Ротор», АСК (Хабаровск) — «Крилья Советов», **МАСК — «Пахтакор»**, «Искра» — «Звезда».

9 май. «Кузбасс» — «Крилья Советов», АСК (Хабаровск) — «Ротор», «Помир» — «Локомотив».

13 май. «Кузбасс» — АСК (Хабаровск), МАСК — «Искра», **«Звезда»— «Пахтакор»**, «Крилья Советов» — «Ротор», «Локомотив» — «Шинник».

17 май. «Ротор» — МАСК, «Крилья Советов» — «Искра», «Шинник» — «Кузбасс», «Локомотив» — АСК (Хабаровск), «Помир» — «Звезда».

20 май. «Ротор» — «Искра», «Крилья Советов» — МАСК, «Шинник» — АСК (Хабаровск), «Локомотив» — «Кузбасс».

22 май. «Пахтакор»— «Помир».

Спорт кундалиги

● Ашаффенбург шаҳрида Германия Федератив Республикаси катта совринн учун ўтказилган халқаро турнирда 18 мамлакатнинг вакиллари иштирок этишди. Классик кураш бўйича ўтказилган беллашувларда тошкентлик халқаро классли спорт мастери, «Дўстлик—84» мусобақаларининг чемпиони Комил Фатхуллин ажойиб маҳорат кўрсатди. У барча беллашувларни ғалаба билан якунлаб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи олишувда мамлакатимиз терма командасининг яна бир вакили Василий Фоминни енгиб, бош совринни қўлга киритди. Умуман тошкентлик полвон тўққиз марта беллашиб, барчасида ғалабага эришди.

● Тошкентнинг «Бинокор» командаси биринчи лигага ўтиш турнири баҳсларини бошлади. Тошкентлик хоккейчилар биринчи учрашувни Рязань шаҳрида маҳаллий «Станкостроитель» командаси билан ўтказишди. Омад майдон эгаларига ёр бўлди — 3:1.

● Кишинёв шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида тошкентлик спорт мастери Марина Николаева юксак маҳорат кўрсатди. У беллашувларнинг олти тури бўйича бош совринни қўлга киритди.

● Рига шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича анъанавий халқаро турнирга старт берилди. Бу ердаги баҳсларда 30 мамлакатнинг энг кучли спортчилари иштирок этишмоқда. Мамлакатимиз спорти шарафини тошкентлик Ирина Бараксанова ҳам ҳимоя қиляпти.

● Навоий шаҳрида биринчи ўсмирлар ўйини программаси доирасида сув остида сузиш бўйича мусобақалар ўтказилди. Республикамиз турли областларининг вакили бўлган 70 спортчи мусобақаларда иштирок этди. Уч кун давом этган баҳслардан сўнг биринчи ўринни Тошкент областининг вакиллари қўлга киритишди. Тошкент шаҳри терма командасининг аъзолари эса фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

● Минск шаҳрида ўсмирлар ўртасида теннис бўйича Бутуниттифоқ турнири ўтказилди. Яхши маҳорат кўрсатган тошкентлик теннисчи Юрий Иевлев кучли 16 спортчи сафидан жой олди.

● Тошкентда халқаро шашка бўйича республика чемпионатига старт берилди. Биринчи турда Борис Осмонов ва Сергей Давидов ғалабага эришдилар.

● Устинов шаҳрида ўтказилган волейбол бўйича қизлар командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги баҳслари якунланди. Республикамиз қизлар командаси беллашувларни бешинчи ўринда якунлади.

● Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда республикамиз вакиллари яхши қатнашишди. Улар 13 вазн-тоифасида ғалабага эришдилар. Биринчи ўринни эгаллаганлар орасида тошкентликлардан Рустам Аширматов, Азиз Очилов, Рустам Шарипов, Алишер Камолов ва бошқалар бор.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

Шотландиялик бир киши такси ҳайдовчисидан сўради:

— Вокзалгача элтиб қўйсангиз, қанча ҳақ оласиз!

— Уч фунт!

— Чамадонни олиб бориш учун-чи!

—Ҳеч қанча.

— Ундай бўлса чамадонни олиб кетаверинг, мен пиёда етиб бораман.

●

— Севгилим, хоҳлайсанми, сени катта машинада сайр қилдираман.

— Албатта, азизим.

— Унда, автобус бекатига кетдик!

●

Маст бўлиб қолган Колле автобусда уйга қайтарди, бирдан ким биландир гаплашишни хоҳлаб қолди. Ёнидаги йигитчанинг география картасини кўраётганини сезиб, унинг қанақа карталиги билан қизиқди.

— Бу Африканинг картаси,— деди йигитча.

Колле диққат билан автобус ойнасига қаради ва деди:

— Сени қара-я, бошқа автобусга ўтириб қолибсан!

Ҳ. ИНОҒОМОВ
таржимаси.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

5 АПРЕЛЬ. 1985 й.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

БАҲОРДА ДАМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН!

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРНИ ТАРҚАТИШ БЮРОСИ

1985 ЙИЛ АПРЕЛЬ-МАЙ ОЙЛАРИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БЎЙЛАБ ҚЎЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА

ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

9-маршрут — КАБАРДИНКА, «МАЯК» ТУРИСТИК БАЗАСИ, 28 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 104 сўм.

70-маршрут — АРМАВИР-ТУАПСЕ, 12 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 132 сўм.

62-маршрут — АДЖАРИЯДАН АБХАЗИЯГА, 12 апрелдан 18 кунга. Путёвка баҳоси — 122 сўм.

66-маршрут — ГРУЗИЯДАН АРМАНИСТОНГА, 18 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 153 сўм.

113-маршрут — АДЛЕР, «УТРО» ТУРИСТИК БАЗАСИ, 25 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 106 сўм.

124-маршрут — КОЛХИДА БЎЙЛАБ САЁҲАТ, 1 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 118 сўм.

128-маршрут — АРМАНИСТОНДАН КАСПИЙ ДЕНГИЗИГА, 2 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 130 сўм.

130-маршрут — ЕРЕВАНДАН ҚОРА ДЕНГИЗГА, 1 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 168 сўм.

137-маршрут — БАКУРИАНИ (икки кишилик оила учун), **9 майдан 15 кунга. Путёвка баҳоси — 176 сўм.**

141-маршрут — НЕМАН БЎЙИ ЎЛКАСИ БЎЙЛАБ, 3 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 150 сўм.

177-маршрут — ДОҒИСТОННИНГ ОЛТИН ПЛЯЖЛАРИГА, 20 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 133 сўм.

270-маршрут — КАСПИЙ ДЕНГИЗИГА, 4 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 145 сўм.

271-маршрут — ШИМОЛИЙ КАВКАЗ БЎЙЛАБ, 4 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 145 сўм.

300-маршрут — УКРАИНА ВА МОЛДАВИЯ БЎЙЛАБ, 15 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 162 сўм.

303-маршрут — ПОДОЛЬЕ-ҚОРА ДЕНГИЗГА, 16 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 136 сўм.

311-маршрут — ШИМОЛИЙ КАВКАЗ КУРОРТЛАРИ БЎЙЛАБ, 16 апрель, 4 майдан 18 кунга. Путёвка баҳоси — 141 сўм.

342-маршрут — ЭЛЬБРУСЬ ЭТАГИ «ИТКОЛ» ТУРИСТИК МЕҲМОНХОНАСИ, 10 апрель, 12, 27 майдан 15 кунга. Путёвка баҳоси — 110 сўм.

415-маршрут — АВТОБУСДА ТИССА ДАРЕСИ БЎЙЛАБ, 10, 16 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 125 сўм.

448-маршрут — КАСПИЙ ДЕНГИЗИДАН ҚОРА ДЕНГИЗИГАЧА, 16 майдан 18 кунга. Путёвка баҳоси — 146 сўм.

451-маршрут — ФЕОДОСИЯ, «МАЯК» ТУРИСТИК БАЗАСИ, 7 апрелдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 102 сўм.

458-маршрут — ЛАЗАРЕВСКОЕ, «ЧАЙКА» АВТОТУРБАЗАСИ, 24, 26 апрель, 14 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 106 сўм.

549-маршрут — АРМАНИСТОН БЎЙЛАБ, 16 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 120 сўм.

639-маршрут — БЕРДЯНСК КУРФАЗИГА, 17 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 133 сўм.

643-маршрут — МОЛОДОГВАРДЕЙСКИЙ, 12 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 143 сўм.

738-маршрут — АРМАНИСТОНДАН ҚОРА ДЕНГИЗГАЧА, 11 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 141 сўм.

773-маршрут — МОЛДАВИЯ КЎДРАЛАРИ БЎЙЛАБ, 13 майдан 20 кунга. Путёвка баҳоси — 116 сўм.

1-маршрут — МОСКВА, 17, 22 апрелдан 12 кунга. Путёвка баҳоси — 142 сўм.

Путёвка баҳосига овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.

15 НОЯБРДАН 15 АПРЕЛГАЧА БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИ ПУТЁВКАЛАРИ БИЛАН САМОЛЁТДА УЧГАНДА 30 ПРОЦЕНТ ҲАЖМИДА СКИДКА БЕРИЛАДИ.

Тўлиқ маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 115-уй (метронинг «М. Горький» станцияси). Телефон 66-26-41.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

5-10 АПРЕЛЬ ҚУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО-КЎРГАЗМАСИДА

«ЧАЙКА» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ ВА СОТИЛАДИ.

Савдо-кўргазмаси иш кунларида сотиб олинган телевизорларнинг кафолотли хизмат муддати яна бир йилга узайтириб берилади.

Телевизорни ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этиш ниятида бўлсангиз ана шу кунларда магазинда ҳозир бўладиган тайёрловчи заводнинг вакиллари билан суҳбатлашишингиз мумкин.

ЦУМ (телефон 56-77-90).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТВ ЖУМА

5 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.20 «Эртак қўзурида меҳмонда». «Шушу-энага» (ВХР).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Шаврина ижросида рус халқ қўшиқлари.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 6-фильм — Пўлат плацдарм».
21.30 «Время».
22.05 «Музика ҳақидаги суҳбатни давом эттирамиз».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тирикларга мактуб».
19.25 «Поэзия». Л. Кондирев.
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Бизнинг кўмакчиларимиз карта ва атласлар». Ҳужжатли фильм.
20.50 Грузия Давлат хизмат кўрсатган академик халқ рақс ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо». (Москва) — «Динамо» (Москва). 2-тайм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ўрмон қўриқчилари». Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Футбол баҳори». Футбол бўйича СССР 48-чемпионати 1-лига командалари турнирининг очилишига бағишланади.
19.10 «Чоравачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомолменинг тақдиримда» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Мақомлардан парчалар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Оловли соҳил». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус.).
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Кончилар». Ҳужжатли фильм.
19.10 «Ленинград булбулчалари». Фильм-концерт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 И. Андроников. «Эстрадада илк бор». Бадиий ўқиш.
— «Пўлат плацдарм».
10.35 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
11.10 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.40 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.35 «Оилавий анъана». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат туркумидан.
13.00 «Ўсимликлар дунёси».
13.50 «Сизга манзур адабиётлар».
14.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Ка Чу санъати» (Вьетнам).
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телефильм. «Бир бор танланган йўл». 1-фильм. «Ун етти ёшида».
16.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
17.15 Мультфильм.
17.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.25 Ю. А. Жуков ёзиб олинган.
18.55 «Оиласиз». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-серигялар.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Е. Гоголева рус ва совет авторларининг асарларини ўқийди.
22.40 Оперетта артистларининг концерти.
23.25 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
10.05 «Ярулин мактаби». Телефильм.
10.25 «Саёҳатчилар клуби».
11.25 «Тонгги почта».
11.55 «Ерда, самода ва денгизда».
12.25 Театр ва давр. «Москва меҳмонлари».
13.30 «Тайга шамоллари». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серялар.
16.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Қора денгиз қуёши ловуллайди». Концерт.
17.15 «Кинопанорама».
18.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
19.25 «Халқаро обзор».
19.40 «И. С. Бах сонаталарини М. Фихтенгольц чалади».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Любочка». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.15 Ҳужжатли фильмлар: «Оби ҳаёт», «Рапқон спорт гектарлари» (Тошкент).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Барглар шитирлаганда». Телефильм.
10.35 Москва. «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
11.10 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани».
11.55 В. Тендряков. «Хайрлашув кечаси». Ҳамза номидаги Кўқон драма театрининг спектакли.
13.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
13.55 «Афсонага айланган қиз». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Крилья Советов» (Куйбишев). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм.
18.50 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Жаҳон саломатлик кунига. ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари М. Н. Ризаев сўзи.
20.00 «ЎзССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». «Голландия живописи».
20.30 «Ахборот».
20.50 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 РЕСПУБЛИКА КОМСОМОЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ ПЛЕНУМИ.
«Ўзбекистон ижодкор ёшлари— республика комсомолининг 60 йиллигига». Концерт. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Помир» (Душанба) — «Кузбасс» (Кемерово). 2-тайм.
18.45 Мультфильм.
19.00 «Новости».
19.20 Ҳужжатли фильм.
19.30 «Ульяновск олий ҳарбий билим юртя таклиф этади».
20.00 «Ахбор».
20.25 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.40 «Марли саройи». Ҳужжатли фильм.
20.50 «Актёр ва роль». С. Қосимова. Лоҳутий номли академик драма театрининг актрисаси.

Тошкент ошпазлик билим юрти томонидан **Шаҳриддинов Изатилла Абдуллаевич** номига берилган 023315 номерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IV да **Рустам ҳақида достон**, 6/IV да **Театрнинг етакчи солисти И. МЕРКУЛОВАНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ** (17.00), **Концерт** (19.30), 7/IV да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да **Ўғрини қароқчи урди**, 6/IV да **Отелло**, 7/IV да **Аризасига кўра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/IV да **Узилган торлар**, 7/IV да **Ёшликда берган кўнгил.**

кино

5 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-44), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (10.30, 13.15, 16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02), **Ҳамза номли** (10, 13.00, 16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).

«МУҲАББАТ ДАРДИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПЕШҚАДАМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00; телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛ А Р », «ТРАНСИЛЬВАНЛИ К Л А Р ЁВВОЙИ ҒАРБДА» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.45; телефон 32-78-02).

6, 7 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-44), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (10.30, 13.15, 16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).

«МУҲАББАТ ХАСТАЛИГИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«СЕВИШ ПАЙТИ КЕЛДИ» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПЕШҚАДАМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00; телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛ А Р », «ТРАНСИЛЬВАНЛИК Л А Р ЁВВОЙИ ҒАРБДА» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.45; телефон 32-78-02).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
6 АПРЕЛЬ
СОАТ 18.00 ДА
СССР Биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» (Куйбишев)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА
ФУТБОЛ
ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган. Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги Контроль-ревизия бошқармасининг катта ревизори

Маҳсуд Ғаниҳўжаевич АКРАМХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими ва 22-мактаб коллективи шу мактабнинг араб тили ўқитувчиси Ф. Мусажоновага онаси

Ҳидоятхон РАҲИМЖОНОВАнинг

вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Чилонзор район ошхоналар трести коллективи умумий овқатланиш системасининг кенса ходими, меҳнат ветерани, Ленин ордени кавалери

Қосимжон ТОЛИБЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



ЮШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12177. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.